



ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Исмоилов Диёр Ойбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
314-гуруҳ курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-May 2023 yil

Ma'qullandi: 05-May 2023 yil

Nashr qilindi: 10-May 2023 yil

KEY WORDS

ҳуқуқ, эркинлик, турмуш
шароити, профилактика,
тарғибот, ташвиқот,
фуқаролар тинчлик, миллий
тотувлик.

ABSTRACT

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ ривожланишининг дунё тажрибасида синалган ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг моҳияти миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирувчи, бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитларини яратиш беришдан иборатдир.

Конституциямизнинг муқаддимасида Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси қўйилганлиги белгиланган. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари етакчи ўринни эгаллаши умумэтироф этилган далилдир. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳар қандай цивилизациялашган, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини камайтириб бўлмайди. Демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шарти асосий ҳуқуқ ва эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратиш ҳисобланади.

Ҳар қандай давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши ва уларга бўлган муносабати ушбу давлатдаги демократия ва унинг “сиёсий имиджи”ни кўрсатиб беради.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқи тушунчаси — бу субъектив ҳуқуқ билан узвий боғлиқ бўлган, яъни инсон туғилганидан қўлга киритадиган ва бевосита, объектив амалга ошириладиган, инсон табиатидан келиб чиқадиган ҳамда жамият ривожланиши жараёнидаги энг юқори ижтимоий қадриятлар ёки эҳтиёжлардан

бирини қондиришдир. Инсоннинг шахсий ҳуқуқи алоҳида индивидуалликни ўзида акс эттиради. Яъни мазкур ҳуқуқ айнан алоҳида бир индивидга – шахсга тааллуқлидир.

Ҳуқуқ ва эркинликлар ўртасидаги кескин юридик фарқни кўрсатиш анча мушкул иш. Умумий ҳуқуқнинг назариясидан бизга маълумки, субъектив ҳуқуқ бу шахс йўл қўйиши мумкин бўлган ҳуқуқ чегарасининг ўлчови. Фикримизча, бу таъриф эркинлик гушунчасига ҳам мос келади.¹

Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “давлат органларининг кундалик фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт, ҳар бир давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини ҳеч қачон унутмаслиги лозим.”² – дея таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилар экан, жамият ҳар фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиши керак. Бунда асосий вазифаси мазкур йўналиш ҳисобланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари, шунингдек ички ишлар органлари ҳодимлари ҳамда барча давлат хизматчилари фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш учун аввало, уларни алоҳида тоифаларга ажратиб олиш керак бўлади. Юқорида таъкидланганидек, Конституциямизда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таснифлашни ҳисобга олиб, инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва бурчларини асосий гуруҳларга ажратиш қуйидагича қабул қилинган.

Биринчи гуруҳ: инсон шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, яъни яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ва турар-жой дахлсизлиги каби ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

Иккинчи гуруҳ: давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш, овоз бериш, йигилиш ҳуқуқи, ватанни ҳимоя қилиш билан боғлиқ катор сиссий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

Учинчи гуруҳ: меҳнат ҳуқуқи, меҳнат эркинлиги, мулк ҳуқуқи, солиқ тўлаш бурчи, таълим олиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва шу кабилар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ эркинлик ва бурчлар гуруҳини ташкил этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил

¹ ю.ф.н., профессор, А.Х.Саидов

² “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” - Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.³

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги истефодаги генерал-лейтенант **Б.А. Матлюбов** ўзининг “**Профилактика инспектори – халқ эътиборида**” номли ўқув қўлланмасида қуйидагича фикр билдирган:

“профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда ҳар қандай вазиятда ҳам қуйидагиларни бажаришга доимо тайёр бўлиши замон талабидир:

биринчидан, инсонларга ўз вақтида ва сифатли хизмат(ёрдам) кўрсатишга;

иккинчидан, бугунги мавжуд хавф-хатар ва таҳдидларни тўла ҳис қилган, ўзи бажараётган хизмат фаолиятининг муҳимлиги ва ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда жалб этилган барча куч ва воситалардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишга;

учинчидан, фуқаролар билан аниқ мақсадли мулоқотни ташкил этишга, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни ташкил этиш ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни йўлга қўйишга;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги мутлақо янги таптибилани амалий фаолиятида кенг жорий этишга ҳамда уларнинг мурожаатларининг кўриб чиқишда расмийлик билан ёндашувга йўл қўймаган ҳолда қонуний манфаатларни ишончли ҳимоя қилишга;

бешинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳоли олдида мунтазам равишда ҳисобот беришга;

олтинчидан, ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва ҳодисаларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга, таҳлил қилишга ва уларни бартараф этиш чораларини кўришга ҳамда фуқароларда қонунга ҳурмат, қонун бузулишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини шакллантиришга;

еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик, шафқатсизлик ва бошқа ҳар қандай кўринишдаги ёт бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш борасидаги ишларни тизимли равишда ташкил қилишга;

саккизинчидан, тизимли ва белгиланган тартиб ҳамда талаблар асосида, шунингдек мустақилравишда касбий, шу жумладан хизмат, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириб боришга, тизимга янги инновацион ғоялар, ахборот-коммуникация ҳамда бошқа замонавий технологияларни жорий этишга ва ҳ.к.”⁴

Адабиётлар:

1. “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” - Президент Шавкат Мирзиёевнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва Қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005 сонли фармони. 2017-йил 10-апрел.

⁴ Б.А. Матлюбов. Профилактика инспектори – халқ эътиборида. – Т., 2018. – Б 12-13.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

2. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida”gi Prezident Qarori // 2019

3. Б.А. Матлюбов. Профилактика инспектори – халқ эътиборида. – Т., 2018. – Б 12-13.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва Қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005 сонли фармони. 2017-йил 10-апрел

